

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан 2024 йилда амалга оширилган ишлари түғрисида
МАЪЛУМОТ

Тизимда **10 мингдан ортиқ** мактаб ва **38 мингдан ортиқ** МТТда **8,7 млн. нафарга** яқин тарбияланувчи ва ўқувчига **700 минг нафарга** яқин педагоглар таълим ва тарбия бериб келмоқда.

2024 йил давомида мактабгача ва мактаб таълими тизимиға оид **2 та** Конун, **4 та** Президент Фармони, **9 та** Президент қарори ҳамда **18 та** Ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинди.

I. Мактабгача таълим борасида:

1. 4 644 та боғча ташкил этилиб, қўшимча **170 310 минг бола ўрни** яратилди. Натижада, қамров даражаси **76,0 фоизга** (2023 – 74 фоиз) етказилди.

Маълумот учун: **86 та** давлат боғчасига **8 438 нафар**, **57 та** ДХШ асосидаги нодавлат боғчага **4 272 нафар**, **10 та** хусусий боғчага **415 нафар**, **4 491 та** оиласвий нодавлат боғчага **157 185 нафар** болалар қамраб олинди.

Шунингдек, қўшимча **20 020 нафар 6 ёшли** болаларни мактабга тайёрлов тизими билан қамров даражаси **96 фоизга** (2023 – 93 фоиз) етказилди.

Маълумот учун: **189 та** қисқа муддатли гуруҳларга **5 292 нафар**, **85 та** тўлиқ кунлик гуруҳларга **2 380 нафар**, **441 та** мажбурий тайёрлов гуруҳларига **12 348 нафар** болалар қамраб олинди.

2. Республика бўйича **156 та** МФЙда қайта жиҳозланган **72 та** ISUZU NS-40 автобус негизида ташкил этилган **429 та** “**АҚЛВОЙ**” мобил гуруҳда **9,5 минг нафар** (**0,4 фоиз**) бола қамраб олинди.

3. ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорлиқда **Наманган** ва **Хоразм** вилоятларида мактабгача таълимнинг муқобил шакли бўлган **20 та** “**Турли хил ёшдаги мактабгача таълим гуруҳлари**” (ўйин гуруҳлари) ташкил этилиб, уларга **496 нафар** бола қамраб олинди.

4. Жаҳон банки лойиҳаси доирасида “**Болани эрта ривожлантириш**” лойиҳаси доирасида **Наманган** ва **Самарқанд** вилоятларида **3 та** модель бўйича “**Илк ривожланиш марказлари**” фаолияти йўлга қўйилди.

Маълумот учун: **Самарқанд** вилоятида **768 та** оиласдан **858 нафар** бола, **Наманган** вилоятида **767 та** оиласдан **854 нафар** бола қамраб олинган.

5. Республикадаги **6 841 та** (**49 145 та** гурух) давлат боғчасига **49 номдаги ўқув-методик ва дидактик материаллар** билан таъминланди.

6. Республика бўйича **250 та** (**68 та**, туманларда жойлашган **182 та** давлат) давлат боғчаси халқаро **MELQO** баҳолаш тизими орқали баҳоланди.

Ушбу жараёнда **1 000 нафар**дан ота-оналар ва **тарбияланувчилар**, **250 нафар**дан **директор** ҳамда **тарбиячилар** иштирок этди.

Шунингдек, халқаро консультантлар иштирокида **MODEL** модули бўйича **60 нафар** ва **MELE** модули бўйича **30 нафар** ҳисобчи (маълумотларни холис тўпловчилар) учун тренинглар ташкил этилди.

7. А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети билан ҳамкорликда “Миттвой” (Малыш) лойиҳаси доирасида **500 нафар** мактабга тайёрлов гурӯҳи тарбиячиси учун **72 соатлик** малака ошириш курслари ташкил этилди.

8. “КОICA” билан биргаликда “Ўзбекистонда мактабгача таълим ташкилотлари педагогларининг малакасини ошириш” дастури доирасида **18 нафар** педагог кадрнинг малакаси оширилиб, **35 нафар** мастер-тренер тайёрланди.

9. Нодавлат боғчаларнинг **10 000 нафар** педагог кадрлари **бепул 36 соатлик қисқа муддатли** малака ошириш курсларида ўқитилди.

10. Республика боғчаларидаги **11 320 нафар методист** ва **педагог ўртасида “Йилнинг энг яхши тарбиячиси-2024”** касбий кўрик-танлови ўтказилди.

11. Европа Халқаро хавфсизлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси координатори кўмагида “Веломарафон” тадбири ўтказилиб, **100 нафар** тарбияланувчи иштирок этди.

12. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари ўртасида 4-босқичли “Шахмат” мусобақалари ўтказилди.

Маълумот учун: Мусобақанинг 1-босқичи (МТТ) **67 169 нафар** тарбияланувчи, 2-босқичи (туман ва шаҳар) **6 171 нафар**, 3-босқичи (ҳудудий) **364 нафар**, 4-босқичи (республика) **28 нафар** тарбияланувчи иштирок этди.

13. “Mercy corps” халқаро ННТнинг Ўзбекистондаги филиали билан ҳамкорликда “Таълим ва болалар овқатланиши учун озиқ-овқат” халқаро дастури доирасида **Қорақалпоғистон Республикаси** ва **Сурхондарё вилоятидаги боғчаларда:**

– **750 нафар** директор, хўжалик мудири ва ошпазлари ва **106 нафар** ҳамширанинг малакаси оширилди;

– гуманитар озиқ-овқат (**50 тонна** кунгабоқар ёғи, **20 тонна** сариқ ярим нўхат, **120 тонна** бойитилган ун ва **110 тонна** гурӯнч маҳсулотлари) импорти таъминланиб боғчаларга етказиб берилди;

– болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом овқатланиш бўйича **ахборот материаллари** (плакат, стенд, брошиюра, карточкалар, пазллар ва бошқа) ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ишлаб чиқилиб, **300 нусҳада** боғчаларга етказиб берилди;

– **147 нусҳада “Ақлвой ошпаз”** болалар боғчалари учун **рецепт** ва **5 та** қўлланмадан иборат бўлган “**Саломатлик алифбоси**” таълим дастури етказиб берилди.

14. **6 891 та** давлат боғчасидаги тарбияланувчиларининг давоматини **шахсни биометрик идентификация қилиш** технологияси орқали юритишни йўлга қўйиш учун **6 910 та** планшет ва **6 716 та** Wi-Fi роутер билан таъминланди.

Бу орқали **электрон табеллар** ҳамда **асосий кўрсаткичлари** шакллантириш, озиқ-овқат натура шаклида **харажатлар ҳисобини юритиш имкони яратилди.**

15. Республикадаги **170 та** давлат боғчаси **170 та интерактив доска** ҳамда **5 100 та планшет** билан таъминланди.

16. ОПЕК иштирокида “Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш” лойиҳаси доирасида **20,0 млн АҚШ доллари** миқдорида давлат ташқи қарзи жалб қилинди.

Натижада, 2025 йилда **20 та** боғча ташкил қилиниб, **3 минг** бола қамраб олинади.

17. Жаҳон банки лойиҳаси доирасида ташкил этилган “**Тойлоқ ва Косонсой тажрибаси**” асосида “**Илк ривожлантириш марказлари**” ташкил этилди.

18. Мактабгача таълим ташкилоти директорлари учун “**Менежерлик ўқув курси**” ташкил этилиши асослари яратилди. Натижада, 2025 йилдан бошлаб **1 500 нафар** директор ва **750 нафар** номзод ўқитилади.

19. Тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан жорий йил давомида амалга оширган ишлари бўйича “**йил сарҳисоби**” ўтказилиб, **эришилган натижалар** таҳлил қилинди ва келгусидаги **долзарб вазифалар** белгиланди.

Маълумот учун: тадбирда ҳудудий бошқарма, Тошкент шаҳридаги туман бўлими бошлиқлари, боғча ва мактаб директорлари иштирок этди.

II. Мактаб таълими борасида:

20. 2024 йил 1 октябрдан **педагог ходимлар иш ҳақи** алоҳида **15 фоизга** оширилди.

21. 2023-2024 ўқув йили битиувчиларининг **ОТМга кириш тест синовлари**даги натижалари ўртача **78 бални** (2022-2023 ўқув йилида **76,1 балл**) ташки этди.

22. Умумий ўрта таълим мактаблари учун **132 номда** янги дарслик яратилиб, **40,9 млн нусхада** чоп этилди.

23. Хусусий мактабларда **ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихи, тарбия фанлари** мажбурий фан сифатида ўқитиш йўлга қўйилди.

24. Ўқувчиларни касб-ҳунарга ўқитиш амалиёти жорий этилган мактаблар сони оширилиб, **289 тага** (2023 – **208 та**) етказилди. “**Касбий таълим устаси**” лавозими жорий этилиб, **65 номдаги** (2023 – **27 та**) **касб-ҳунар рўйхати ва ўқув дастури** тасдиқланди.

25. Президент ва ихтисослаштирилган мактабларнинг **баҳолаш тизими** жорий этилган мактаблар сони **1 500 тага** (2023 – **500 та**) етказилди.

*Маълумот учун: 2023 йилда ташкил этилган **500 та** мактабдан баҳолашни самарали йўлга қўйган **66 та** мактаб жамоасига 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб **40 фоизгача** устама тўланмоқда.*

26. Иккинчи хорижий тил (немис, француз, корейс, хитой, япон ва инглиз тили) ўқитиладиган мактаблар сони **354 тага** (2023 – **208 та**) етказилди.

27. Мактабларда хорижий тилларни оммалаштириш мақсадида **500 нафар** (2023 – **500 нафар**) “**тил эгалари**” жалб этилди.

28. “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танлови ўтказилиб, унда, **6 442 та** мактабдан **32 210 нафар** ўқувчи иштирок этди. Голиб

ва совриндор бўлган **70 нафар** ўқувчи ва **14 нафар** ўқитувчи **хорижга “таълим саёҳати”**га юборилди.

Маълумот учун: танловда ғолиб бўлган мактабларни бир марталик пул мукофотлари:

Туман (шаҳар) босқичи – 1-ўрин – 100 млн сўм, 2-ўрин – 75 млн сўм, 3-ўрин – 50 млн сўм;

Худудий босқич – 1-ўрин – 250 млн сўм, 2-ўрин – 200 млн сўм, 3-ўрин – 150 млн сўм;

Республика босқичи – 1-ўрин – 500 млн сўм, 2-ўрин – 400 млн сўм, 3-ўрин – 300 млн сўм.

29. Мактабларда фаолият юритаётган **хорижий тил ўқитувчиларининг тил билиш бўйича B2** ва ундан юқори даражадаги сертификатга эга ўқитувчилар сони **29 001 нафарни** ташкил этиб, **59,1 фоизга** (2023 – **32 фоиз**) етказилди.

30. 520 та мактабгача ва мактаб ташкилоти ички ва ташқи аккредитациядан ўтказилди.

31. Ўқитувчиларга **малака тоифаларини бериш** тизими такомиллаштирилиб, **янги тартиб** асосида республикадаги **339 094 нафар** ўқитувчи (ўқитувчилар сонига нисбатан **63,02 фоиз**) малака (*тест*) синовидан ўтказилди.

Маълумот учун: Синов жараёни биринчи маротаба **FaceID** (юзни таниш) ҳамда **Blockchain** (маълумотни ўзгармас шаклда сақлаш) технологиясидан амалиётда фойдаланилди.

32. Мактабларга **биринчи марта** ишга қабул қилинган **12 738 нафар стажёр-ўқитувчи** касбий сертификациядан ўтказилди.

Маълумот учун: улардан **6 969 нафари** (54,7 фоиз) ижобий, **5 769 нафари** (45,3 фоиз) салбий натижа қайд этди.

33. Халқаро олимпиадаларда 128 та (**15 та** олтин, **36 та** кумуш ва **77 та** бронза) **медал** қўлга киритилди (2023 – **91 та**).

Шу билан бирга, ғолиб ўқувчилар учун **1,4 млрд сўм** уларнинг устозларига эса **1,9 млрд сўм** миқдорида **рағбатлантирилди**.

Шу билан бирга, **Бухоро** шаҳрида илк бор **Абу Али ибн Сино** номидаги халқаро **биология** олимпиадаси ташкил этилди. Унда **19 та** давлатдан **120 нафар** ўқувчи иштирок этди. Натижада, мамлакатимиз ўқувчилари томонидан **12 та** (**3 та** олтин, **3 та** кумуш ва **6 та** бронза) **медал** қўлга киритилди.

34. Жорий йил давомида **142 нафар** педагог **хорижий давлатларга** (Франция, Хитой, Туркия, Белорусия ва Россия, Буюк Британия, Жанубий Корея) **малака ошириш ва стажировкага** юборилди.

35. Малака оширишда **вазирлик – малака ошириш маркази – мактаб** ва боғчани боғлайдиган **вертикал тизим** йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ёш педагоглар учун “**Касбий ривожланиш куни**” ва “**Касбий ривожланиш соати**”ни ташкил этадиган **1 130 та** таянч мактаб ва **326 та** боғча танлаб олинди.

Шунингдек, **13 та Педагогик маҳорат маркази** транформация қилинди.

36. Тизимда фаолият олиб бораётган **420 571 нафар** (2023 – **506 350 нафар**) раҳбар ва **педагог кадр малакаси оширилди**.

37. Мактабларда фаолият олиб бораётган **1 054 нафар** директорлар ва **1 613 нафар** директорликка номзодлар “Менежерлик ўқув курси”да ўқитилиб, **1 766 нафарига** сертификат берилди. Шундан, **257 нафари** “Директорлар кенгashi” суҳбатидан ўтиб, директорлик лавозимиға тайинланди.

38. Жорий йилнинг 8 июнь куни Сингапурнинг “Marshall Cavendish Education” ташкилоти билан ҳамкорлиқда “Муваффақиятли ислоҳотлар — юқори натижалар” мавзусида халқаро конференция ташкил этилиб, унда, таълимга оид **халқаро ташкилот** (ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ОТБ, БМТТД, Жаҳон банки, Британия Кенгashi) вакиллари ва **300 нафар** мактаб раҳбари ва педагог иштирок этди.

Шунингдек, **2024 йил 10-14 июнь кунлари** “Marshall Cavendish Education” ташкилоти экспертлари томонидан ҳудудлардан саралаб олинган **100 нафар** мактаб директори ва **60 нафар** тренер-координатор учун тренинг ташкил этилди.

39. Қорақалпоғистон Республикаси (**726 та – 144 120 нафар**) ва **Хоразм** (**530 та – 141 571 нафар**) **вилоятидаги** **1 256 та** мактабнинг **285 691 нафар** бошланғич синф ўқувчиси озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

40. Аҳолига **давлат хизматларини** кўрсатиш кўлами ва сифати мунтазам оширилиб, **69 665 нафар** фуқарога **шаҳодатнома дубликати** бериш, **2 427 нафар чет эл фуқаролари**нинг фарзандлари мактабга қабул қилиш, **108 280 нафар** ота-оналар фарзандини **бир мактабдан бошқа мактабга** кўчириш бўйича **давлат хизматлари** кўрсатилди.

41. “**Бир миллион дастурчи**” лойиҳаси доирасида “Coursera” платформаси орқали **116 минг нафардан ортиқ** (2023 йилда **62 минг нафар**) ўқувчи рўйхатдан ўтиб, уларнинг **104 минг нафари** (2023 йилда **57 минг нафар**) халқаро сертификатни қўлга киритди.

42. IT-Park ва унинг ҳудудий бўлимлари, “**Аструм ИТ Академияси**” ва бошқа ўқув марказлари билан ҳамкорлиқда таълимни рақамлаштиришга масъул бўлган **280 нафар** (2023 – **120 нафар**) мутахассис ва **3 154 нафар** (2023 – **1 240 нафар**) “**Информатика ва ахборот технологиялари**” фани ўқитувчиси ўқитилди.

43. Таълим соҳасида барча учун ўрнак бўлган, энг илғор **78 нафар** (2023 – **82 та**) педагог **давлат мукофотлари** билан, **1 053 нафари** (2023 – **1 196 нафар**) “**Халқ таълими фидойиси**”, “**Халқ таълими аълочиси**” кўкрак нишони билан тақдирланди.

44. 608 та (*30 та* янги, *518 та* реконструкция ва *60 та* мукаммал таъмирлаш) объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширилмоқда.

Маълумот учун: *180 мингдан* ортиқ янги ўқувчи ўрни яратилиб, мавжуд **101,7 мингта** ўқувчи ўрни **мукаммал таъмирланади**. Шунингдек, *95 та* янги **спорт зали** бинолари қурилади.

Бугунги кунда, **401 та** мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, қўшимча **105 минг**дан ортиқ янги ўқув ўринлари яратилди. Шунингдек, мактабнинг мавжуд **59,0 минга** яқин бинолари замонавий қиёфага келтирилди.

45. Республикадаги 10 160 та мактабга (*2023 – 10 104 та*) **61,8 млрд сўмлик спорт жиҳозлари** ҳамда **46,0 млрд сўмлик миллий мусиқа чолғу асборлари** етказиб берилди.

46. Ҳудудлардаги 2 213 та мактабнинг маънан эскирган **компьютер синфи** янгиланди.

Маълумот учун: *1 369 таси* республика, *844 таси* маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилган.

47. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида 18 774 ўринга мўлжалланган **104 та** (*18 та* мактаб, *86 таси* МТТ) нодавлат таълим ташкилотини ташкил этиш бўйича битим имзоланди (*2023 – 57 та*).

48. 2024 йил давомида 115 та (*2023 – 124 та*) нодавлат умумий ўрта таълим ташкилоти ташкил этилиб, уларнинг сони **573 тага** етказилди. Натижада, қўшимча **39 723 та** янги ўқувчи ўрни яратилди.

49. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида 20,7 млн АҚШ долларига (*14,7 млн доллар грант*) тенг **хорижий инвестиция** ва **грант маблағлари** ўзлаштирилди (*2023 – 7,55 млн доллар*).

50. Инклюзив таълим жорий этилган мактаблар сони **947 тага** (*2023 – 530 та*), улардаги ўқувчилар сони **1 901 нафарга** (*1 229 нафари* қиз) етказилди.

51. Маънавий-маърифий ишлар бўйича илк бор 14 та таянч “**Тарбия мактаблари**” ташкил этилди.

52. 56 та мактабда **ҳарбий-ватанпарварлик синфлари** фаолияти йўлга қўйилди.

53. Бухоро, Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида “Меҳрли мактаб” филиаллари фаолияти йўлга қўйилди.

Маълумот учун: 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ҳамда Фарғона вилоятларида йўлга қўйилган.

54. “Турон” мактаб театри танлови ўтказилиб, **101 минг нафар**дан ортиқ ўқувчи қамраб олиниб, **10 нафар** танлов ғолиби Туркия давлатига **таълим саёҳатига** юборилди.

55. Ўқувчилар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонликни ривожлантириш мақсадида 208 та туман (шаҳар)да “**Жадидлар клуби**” фаолияти йўлга қўйилди.

Маълумот учун: “Жадидлар клуби”ларига **4 576 нафар** ўқувчи жалб қилинган.

56. Ўқувчилар ўртасида “**Ватанпарварлар**”, “**Ёш чегарачилар**”, “**Ёш қутқарувчилар**”, “**Ёш гвардиячилар**” ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилиб **1 млн нафарга** яқин ўқувчилар қамраб олинди.

57. Болаларга жинсий зўравонлик содир этилишини ва уларни жинсий эксплуататсия қилинишининг олдини олиш масалалари бўйича тизим мутахассисларини ўқитиш бўйича **18 соатлик ўқув модули** ишлаб чиқилди.

58. Таълим муассасаларида тарбиявий ишларни тизимли ташкил этишга қаратилган **“2024 — 2030 йилларда таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларни миллий ватанпарварлик рухида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепцияси”** тасдиқланди.

59. Тошкент шаҳрида соҳа вакиллари учун **“Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, тизимли муаммолар ва уларни бартараф этиш, истиқболдаги режалар”** мавзусида **3 кунлик ўқув-семинари** ташкил этилди.

Маълумот учун: ўқувларда **14 та** ҳудудий бошқармалари бошлиғи ўринbosарлари, Республика Маънавият ва маърифат марказининг ҳудудий бўлум масъул ходимлари ҳамда **208 та** туман (шаҳар)дан ўз иш фаолиятида фаол бўлган мактабларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosарлари иштирок этди.

60. Ота-оналарга фарзанд тарбиясида кўмаклашиш учун **“Ота-она – мураббий”** китоби тайёрланиб, тақдимоти ўтказилди.

61. Мактаблардаги **маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринbosарлари, психолог ва синф раҳбарлари** учун тарбиявий ишларни тизимли, замонавий ёндашувлар асосида олиб боришга қаратилган **услубий қўлланма** яратилди.

62. **“Заковат”** интеллектуал ўйини ўтказилиб, **10 284 та** мактабнинг **1,8 млн нафар** ўқувчи қамраб олинди.

Шунингдек, **“Хуқуқий-маърифий билимдон”** ижодий кўрик-танловини ўтказилиб **1,5 миллион**дан ортиқ ўқувчи қамраб олинди.

63. Мактабларда **дзюдо спорт** турини ривожлантириш ва шарт-шароит яратиш учун Халқаро дзюдо федерацияси томонидан **887,5 млн сўм** маблағ ҳисобига **30 та** дзюдо татамиси ва **900 та** кимонолар етказиб берилди.

64. **208 та** туман (шаҳар)да гимнастикага ихтисослиги юқори бўлган **245 та** мактаб танлаб олиниб, **3 млрд сўм** ҳисобига **56 та** гимнастика гилами, **4 900 та** гимнастика арғамчиси, **2 450 та** гимнастика тўпи ва **2 450 та** гимнастика обручлари билан таъминланди.

Натижада, мактабларда ташкил этилган **72 683 та** дарсдан ташқари спорт секцияларида спортнинг **33 тури** бўйича **1,5 млн нафар** (**586 минг** нафари қизлар) ўқувчи қамраб олинишига эришилди.

65. Тизимда фаолият юритаётган **208 минг нафардан ортиқ** ходимнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича малакаси оширилди. Шунингдек, **61 нафар** ходимда аниқланган манфаатлар тўқнашуви бартараф этилди.

66. Хусусий таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи **200 нафар фоол тадбиркор** билан соҳада **хусусий секторни кенгайтириш**, улардаги мавжуд **муаммоларга ечим топиш**га қаратилган алоҳида **очиқ мулоқот** ўтказилди.

67. А.Авлоний номидаги **Педагогик маҳорат миллий институти трансформация қилинди**. Мазмунан бойитилган институт **педагогларда касб маҳоратини ошириш** учун масъул этиб белгиланди.

68. Қори Ниёзий номидаги **Тарбия педагогикаси миллий институтини янгитдан ташкил этилди**.

Унинг асосий йўналишлари этиб, **тарбия соҳасидаги миллий анъаналарни** ўрганиш, **тиклаш** ва **замонавий маънавий-ахлоқий тарбия тизими**ни жорий қилиш вазифаси белгиланди.

69. Вазир ва унинг ўринbosарлари, ҳудудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари **фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини** (КРІ) баҳоловчи тизим йўлга қўйилди.

70. 2024 йил давомида вазирлик раҳбарияти ва вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар томонидан мактабга ва мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган **20 та муҳим халқаро хужжат имзоланди**.

III. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари борасида:

71. Қорақалпоғистон Республикаси, **Андижон** ва **Самарқанд** вилоятида **504 ўринли Муҳаммад ал-Хоразмий** номидаги ихтисослаштирилган мактаб филиаллари ташкил этилди.

72. Президент мактаблари SAT халқаро сертификати имтиҳонларини ўтказадиган **расмий марказ** сифатида тан олинди.

Шунингдек,

– битирувчиларнинг **81 фоизи** халқаро математика ва инглиз тилини билиш даражасини баҳоловчи (**SAT**) сертификатларга эга бўлди (2023 йилга нисбатан **30 фоизга** ўсган).

– **100 фоизи** (**319 нафар**) муддатидан олдин нуфузли хорижий олийгоҳларда, **Ижод мактаблари** битирувчиларининг **56 фоизи** (**146 нафар**) муддатидан олдин хорижий ва маҳаллий олийгоҳларда ўқиш имкониятига эга бўлди.

– **ижод мактаблари** битирувчиларининг **90 фоизи** (**234 нафар**), ихтисослаштирилган мактаб битирувчиларининг **56 фоизи** (**3 286 нафар**) халқаро ва миллий даражадаги сертификатларни қўлга киритди.

– **ижод мактабларининг 81 фоиз** (**211 нафар**) **10-11-синф** ўқувчилари касбга йўналтирувчи замонавий тўгаракларга жалб этилди.

73. Ижод мактабларининг **9 нафар**, ихтисослаштирилган мактабларнинг **15 нафар** битирувчиси “Эл юрт умиди” жамғармаси стипендияси соҳиби бўлди.

74. “Янги Ўзбекистон” университетида минтақамиз олий таълим соҳасини ривожлантиришдаги долзарб масалаларга қаратилган **Марказий Осиё университетлар форуми** ўтказилди.

75. “Рақамли авлод қизлари” оромгоҳининг республика босқичи ўтказилди.

Маълумот учун: Digital Art, 3D Modelling, Startup Web-Site (Coding), Graphic Design каби йўналишларда онлайн ва оффлайн дарслар ўтказилди. Дарсларда Колумбия университети ҳамда MIT, Google, Amazon ва Microsoft каби халқаро компаниялар вакиллари иштирокида оффлайн машғулотларга **72 нафар** (шундан **10 нафар** заиф эши тувчилар, **15 нафар** афғонистонлик қизлар), онлайн дарсларга эса **3 000 нафарга** ёшларни жалб этилди.

76. Германиянинг Мюнхен техника университетида **“Чегараларсиз: Германия ва Ўзбекистон ўртасида таълим, фан ва саноат бўйича ҳамкорликнинг янги босқичи имкониятлари”** мавзусида халқаро симпозиум ташкил этилди. Унда Ўзбекистондан саноат йўналишдаги ташкилотлар ҳамда **Германиянинг илғор университетлари** ва **йирик саноат компанияларининг 90 нафардан** ортиқ вакиллари қатнашди.

77. ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси президенти **Доктор Абдулҳамид Ал-Халифа** бошчилигидаги делегация **Самарқанд шаҳрига** ташрифи ташкил этилди.

Ташриф давомида делегация Самарқанд шаҳридаги Президент мактаби фаолияти билан таниширилди. Шунингдек, ҳамкорлик учрашувда **янги таълим муассасаларини барпо этишда** ҳамкорликни амалга ошириш учун тезкор **ишлиғуруҳ** тузиш ҳамда **ОПЕК** халқаро тараққиёт жамғармаси билан янги ҳамкорлик лойиҳаларини **икки бараварга** ошириш келишиб олинди.

78. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг **илмий салоҳияти 60 фоизга** (**2023 – 52 фоиз**) етказилди.

*Маълумот учун: университетда **763 нафар** (**62 нафари** профессор, **410 нафари доцент, PhD** педагог фаолият олиб бормоқда.*

79. Ихтисослаштирилган мактаблар тизими кенгайтирилиб, **Б.Жалолов** ва **О.Чусовитина** номидаги **спорт мактаблари** ташкил этилди.